

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ШАРОИТИДА РАҚАМЛИ
ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

*Исахонова Моҳинур,
Самарқанд давлат университети
“Иқтисодиёт” йўналиши 2-босқич талабаси*

Аннотация. Бугунги глобал дунёда ахборотлашган жамият шароитида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш давлатларнинг иқтисодиётини юксалтириш, тадбиркорликни рағбатлантириш ва бизнес юритишни такомиллаштириш жараёнларида асосий манбага айланди.

Калит сўзлар. Глобаллашув, ахборот, ахборотлашган жамият, иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, тадбиркорлик, бизнес юритиш, рақамли технологиялар.

Аннотация. В современном глобальном мире, в условиях информационного общества, развитие цифровой экономики стало основным источником в процессах оздоровления экономики стран, поощрения предпринимательства и улучшения хозяйственной деятельности.

Ключевые слова. Глобализация, информация, информационное общество, экономика, цифровая экономика, предпринимательство, ведение бизнеса, цифровые технологии.

Annotation. In today's global world, in the conditions of the information society, the development of the digital economy has become the main source in the processes of improving the economy of countries, encouraging entrepreneurship and improving business operations.

Keywords. Globalization, information, information society, economy, digital economy, entrepreneurship, doing business, digital technologies.

Бугунги глобал дунёда ахборотлашган жамият шароитида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш давлатларнинг иқтисодиётини юксалтириш, тадбиркорликни рағбатлантириш ва бизнес юритишни такомиллаштириш жараёнларида асосий манбага айланди. Рақамли технологияларнинг ҳаётга кириб келиши келажак дунёнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, у дунё мамлакатлари иқтисодиётини тезликда ўзгартириши, ижтимоий жараёнларни тезлаштириши, мамлакатларни камбағаллик вазиятидан чиқариши, ишсизларни доимий иш билан таъминлаши, ер юзининг ҳоҳлаган жойида ишлаш, уйдан чиқмай бизнес қилиш, пул топиш, харид қилиш хусусиятларига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 28 декабрда 2019 йил учун энг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Олий мажлисга Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, ахборотлашган жамиятга ўтиш учун қуйидагиларни бажаришимиз ва бунинг учун барча бирдек масъул эканлигини, шу йўл билан коррупцияни пайини қирқиш имкони мавжудлигини такидлаган эдилар. “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт

миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар ҳам буни тасдиқламоқда”¹.

Юртимизда ахборотлашган жамиятни қуриш мақсадларида ва уни олиб бориш жараёнларида ақлли шаҳарлар, рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат, блокчейн технологиялар, ахборот дастурлар ва уларни ривожлантириш муҳим босқичга чиққан. Бугунги кунда мамлакатимиз дунёнинг ривожланган давлатлари билан ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик шартномалари имзолаган. Шартномаларга кўра босқичма-босқич юртимиз ёшлари мазкур соҳаларни эгаллаб бориши ва келгусида мазкур соҳаларни ўзлари бошқариши кўзда тутилган.

Ахборотлашган жамиятнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли ҳақида А.Азизқуловнинг таъкидлашича, “Бугунги кунда ахборотлашган жамиятнинг хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришлар, айниқса, ишчи кучини тақсимлаш сҳасида (ишга лаёқатли фуқароларнинг аксариятинимазкур соҳада банд бўлиши);

- аҳолининг барча қатлам вакиллари томонидан ахборот аҳамиятини англашнинг ўсиб бориши;

- мамлакат ҳар бир фуқаросини компьютер савдхонлиги заруратини англашнинг ўсиб бориши;

- халқ хўжалигининг барча соҳаларига ахборот технологияларининг кенг тарқалиши;

- компьютер технологиялари ва телекоммуникация ривожининг ҳукумат томонидан давлат сиёсати даражасида қўллаб-қуватланиши”².

Ахборотлашган жамиятда модернизация жамиятнинг барча соҳаларига кириб бориб, ўзига хос тараққиёт тамойилини ҳосил қилади, чунки, бу жамият техник ва технологик ривожланиш ва жадал янгиланишларга асосланган ижтимоий макондир. Жамият соҳаларини модернизациялаш ва инновационлаштириш шундай жараёнки, унда инсоннинг анъанавий турмуш тарзи замонавий кўламдаги янги босқичга ўтади ва унинг заминида ижтимоий ҳаётнинг барча тизимларида туб ўзгаришларга эришилади. Демак, модернизация жараёнлари ахборотлашган жамиятнинг барқарор мавжуд бўлишида ўзига хос ҳаракатлантирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Н.Смелзернинг фикрича, “модернизация ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ўзгаришларни ўз ичига оладиган мураккаб ҳолат бўлиб, жамиятдаги саноатлаштириш жараёнлари ҳамда

¹Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатнома. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasy-28-12-2018>.

² Азизқулов А. Ахборотлашган жамиятнинг фесафий муаммолари. – Самарқанд, 2021. -Б.21

фан-техника ютуқларининг самарали ўзлаштирилиши натижасида содир бўлади”³.

Ахборотлашган жамиятда ижтимоий ҳаёт тизимларини модернизацияси ва инновацияларни қўллаш мантиқий жараён дир. Чунки ахборотлашган жамият техник ва технологик жараёнлар инқилоби бўлиб, технократик маданият устиворлиги содир бўлади. Бу маданиятда ахборотнинг жамият ва инсон ҳаётида ҳаёт-мамот хусусиятга эга бўлади, ижтимоий турмушнинг ҳар бир элементар соҳасигача кириб боради. Шунингдек, инсон эҳтиёжлари, манфаатлари ва ҳуқуқларининг таъминланиши ҳам ахборот омили билан боғлиқ бўлади, бу жараён олдинги жамиятларга қараганда бирмунча осон ва демократик асосларда таъминланади.

Ахборотлашган жамият шароитида ижтимоий-иқтисодий соҳаларни модернизация қилиш ишлари умумтараққиётга хизмат қилади. Ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ўз навбатида жамиятда инновацион фаолиятнинг жадаллашувиға туртки бериб, инсон фаровонлигини таъминлашға хизмат қилади. А.Аузан, К.Келимбетовлар “Глобализация шароитида иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги алоқаларни янги босқичға кўтариш учун модернизация ишларини амалға ошириш нафақат муҳим балки, ривожланишнинг зарурий шарти ҳисобланади⁴” -деб таъкидлаган.

Шундай қилиб, ахборотлашган жамиятда олиб бориладиган модернизация ва ислохотлар фалсафаси, ўз моҳиятиға кўра иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларидаги жадал асосдаги тубдан ўзгаришлар, мақсад ва вазифаларнинг умумий, динамик кўринишда акс этишидир. Жамиятда модернизация жараёнини амалға ошириш учун шунга мос ва мувофиқ келадиган ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар мавжуд бўлмоғи зарур. Жамиятда чуқур иқтисодий юксалиш, мамлакатда яшовчи фуқароларнинг ҳокимиятға ишончи, уларнинг ижтимоий аҳволини кундан кунға яхшиланиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Ахборотлашган жамиятда ижтимоий-иқтисодий тизимларни ҳар томонлама янгилаш ва модернизация қилиш жараёнини таҳлил этишда инсоннинг янгиликлар яратиши ва инновацион фаолиятни ташкил этиши, ўзгаришлар амалиётини қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ замонавий чора-тадбирлар мазмуниға ҳам эътибор қаратиш лозимдир. Бу борада жамиятда илм-фан, таълим ва маданият ҳамда маърифат соҳаларини ҳам иқтисодий фаолият билан биргаликда уйғун ривожлантириш, инсоннинг яратувчанлик фаолиятини доимо рағбатлантирилиб борилиши лозимдир. Бу жараён мамлакатни ривожлантиришда муҳим стратегик мақсадларни ҳал этишда улкан кўламдаги вазифаларни бажариб беради.

Мамлакатни рақамлаштириш бўйича Кореялик мутахассис, профессор Жинвон Хонинг фикрича, “Қатта маълумотлар бу технологиялар эмас, балки сунъий интеллект, маҳсулот интернетини каби янги технологиялар билан

³ Smelser N.. Sociology. New-Jersey. Prentice Hall. 1988.

⁴ Аузан А., Келимбетов К. Социокультурная формула экономической модернизации. //Вопросы экономики, 2012 г. № 5. –С. 38.

ҳамкорлик учун хазина бўлиб, муҳими ундан фойдалана билишдир. Ўта йирик ва мураккаб маълумотлардан билимларни олиш ва зарур ахборотларга эга бўлиш мумкин, ўз навбатида бундай ахборотлар янги қонуниятларнинг кашф этилиши сабаб бўлади. Маълумотлар билимга айланади, ҳаётимизни ўзгартиради, стратегияни белгилайди, танлов йўналишини аниқлайди, бошқа фанлар ва технологиялар ижтимоий тадқиқотларни амалга оширишга ёрдам беради”⁵.

Ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт ва ахборотлашган жамиятни барпо этиш тушунчаси кўпгина мамлакатларнинг иқтисодий назарияси ва амалиётида пайдо бўлди. Бу рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, ахборот соҳасида инқилоб ва иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнларини тезлаштириш билан ажралиб туради. Улардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб билимлар ва назариялар амалиётга айлантирилди, ижтимоий-фалсафий, иқтисодий-сиёсий алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Энди рақамлаштириш ва ахборот жамиятига ўтишда одамларни айниқса ёшларни компьютерлар, ахборот-коммуникация технологиялари, интернет ва сунъий ондан фойдаланишида рақамли маданиятни шакллантириш зарур. А.Саитқасимовнинг фикрича, “Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзини ўзи ташкиллаштирадиган жамият шароитида инновацион тафаккур ва фаолиятни шакллантиришнинг янги усуллари пайдо бўлади. Бошқача айтганда, ижтимоий ва иқтисодий фаол фуқарони шакллантириш жараёнига инновацион усуллар кириб келади”⁶.

Бугунги замонавий ахборотлашган жамият шароитида рақамли иқтисодиёт бошқа анъанавий ишлаб келган соҳаларга нисбатан 5 баробар тез ўсади. Шу билан биргаликда рақамли иқтисодиёт барча соҳаларнинг ўсиши ва ривожланиши учун учун янгидан-янги шарт-шароитлар ва имкониятларни яратади. Сунъий ақл, турли-туман технологиялар, рақамлаштиришнинг кенг қамровли такомиллашуви – бу технологияларнинг инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт фаолиятини аллақачон осонлаштириб, янги яратувчанлик тенденцияларини вужудга келтирмоқда. Рақамли билимлар янгиликлар яратиб, унинг орқасидан янги технологиялар вужудга келади.

Рақамли маданиятсиз янги жамиятда фаолият кўрсатиб бўлмайди. Рақамли маданиятга эга бўлмаган шахслар ахборотлашган жамият қонун-қоидаларига салбий таъсир қилиши муқаррар. Т.Саъдуллаевнинг фикрича, “Бозор субъектларининг фаолиятида рақамли трансформацияларнинг асосий омили рақамли маданиятни ривожлантиришдан иборат. Жамиятни ижтимоий ва иқтисодий ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида атроф-муҳит жамиятнинг институционал тузилишига хос хусусиятларни келтириб чиқармоқда ва бу асосда янги тушунчалар ва ёндашувларни шакллантиришга зарурат туғдиради”⁷.

⁵ Жинвон Х. Бошқарув инновациялари кунлари: катта маълумотлардан блокчейнгача. <https://mininnovation.uz/uz/news/17-10-2019-management-innovation-days>.

⁶ Саитқасимов А. Таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти. Тафаккур зиёси, №4, 2022. –Б.84-85.

⁷ Садуллаев Т. “Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши: Омиллар, натижалар ва истиқболлар” Республика илмий-амалий анжумани. Тошкент. 2018 йил. –Б. 307.

Ахборотлашган жамиятга ўтиш даврида Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, у учун шарт-шароитлар яратиш, инновацион технологияларни жорий этиш, бу ишларга юртимиздаги ва хориждаги мутахассисларни, айниқса ёшларни жалб қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда ва қонунчилик билан мустаҳкамланмоқда. Амалга оширилган ислохатлар, олимлар ва зиёлиларга эътибор, жамият равнақида ёшлар кучи ва илмидан фойдаланиш натижасида давлатимиз дунё мамлакатлари ривожланиши йўлидан кетди ва ахборотлашган жамиятнинг ҳозиргача маълум қонун қоидаларига кўра бир бўлаги ҳисобланадиган рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатнома. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasi-28-12-2018>.
2. Азизқулов А. Ахборотлашган жамиятнинг фасофий муаммолари. – Самарқанд, 2021. -Б.21
3. Smelser N.. Sociology. New-Jersey. Prentice Hall. 1988.
4. Аузан А., Келимбетов К. Социокультурная формула экономической модернизации. //Вопросы экономики, 2012 г. № 5. –С. 38.
5. Жинвон Х. Бошқарув инновациялари кунлари: катта маълумотлардан блокчейнгача. <https://mininnovation.uz/uz/news/17-10-2019-management-innovation-days>.
6. Саитқасимов А. Таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти. Тафаккур зиёси, №4, 2022. –Б.84-85.
7. Садуллаев Т. “Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши: Омиллар, натижалар ва истиқболлар” Республика илмий-амалий анжумани. Тошкент. 2018 йил. –Б. 307.